

Тил ғамида ёхуд «подкаст»ни нима қилса бўлади?



11:30 / 20.10.2023 2394

Ҳозирги кунда технология ва интернет орқали жуда кўп янги сўзлар халқаролашиб, жумладан, ўзбек тилига ҳам кириб келмоқда. Халқаро сўзларни меъёрда қабул қилиш мумкин, аммо бунда ҳаддан ошиш, ўзбек тилида таржимаси бўла туриб ажнабий сўзни қабул қилиш тилга эътиборсизлик саналади. Оқибатда тилнинг софлигига, жозибасига путур етади.

Биз ҳатто ояту ҳадисларни ва фикҳий атамаларни ёритишда ҳам имкон қадар ўзбек тилига таржима қилишга уринамиз. Тилда етарли ифода қилиш имкони бўлмагандагина арабча истилоҳни қабул қилишга мажбур бўлинади. Замонавий воситалар орқали кириб келаётган сўзларга нисбатан ҳам тилнинг қўриқчилари керакли чора кўришлари лозим.

Охирги пайтларда омалашаётган сўзлардан бири «подкаст» бўлса, ажабмас. Уни ўзбекча сўз билан ифодалаш мумкинми? Агар бевосита тайёр сўз топилмаса, шу каби ясама сўз яратиш мумкинми?

Бизда ҳам «гаштак», «гурунг», «суҳбат» каби сўзлар бор, нисбатан яқинлашади. Сизларда қандай таклиф бор?

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 11 августдаги 03-07/6522-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.